



20 20y « 6 » ноябр

№ Қ-1720

« » 20 г

**2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетининг барқарорлигини
таъминлаш мақсадида туман маҳаллий
бюджетидан мақбуллаштириладиган
харажатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга режалаштирилган моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, шу жумладан, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига шакллантириладиган олий таълим муассасаларининг моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туришни 2020 йил 1 октябрдан 2021 йил 1 январга қадар узайтирилганиги;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан назарда тутилган харажатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида назарда тутилган харажатларни, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида бюджет тизими бюджетлари ҳисобига қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларининг лимитларини мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тасдиқланган даромадлар прогнозининг бажарилмаслиги ҳисобига харажатларнинг мақбуллаштирилган қисми - республика бюджетига;

Ушбу қарорга мувофиқ мақбуллаштирилган маблағлар – келгусида уларни коронавирус инфекциясига қарши курашиш чора-тадбирларига йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Қултаев ҳамда туман Молия бўлимининг мудирини Ш.Поянов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Тумани хокимининг

2020 йил 08.11 даги

17-720-сонли қарорига

илова

Кумкўргон туман маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштирилган харожаатлар

(Минг сўмда)

Т/Р	Худудлар номи	Жами мақбуллаштирилган ётган маблағлар	Бюджет ташкилотларида (гиббietet, тиббий-ижтимоий муассасалар, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатта ҳақ тулашининг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимларидан ташқари) октябр-декабр ойлари учун моддий рағбатлантириш жамғармаси, шу жумладан директор жамғармаси буйича назарда тутилган маблағларни мақбуллаштириш	Хизмат сафари, товар-моддий бойлиқлар ва коғоз сотиб олиш харожаатлари	Мактабгача таълим муассасаларида июль-сентябр ойлари озик-овқат харожаатлари	Бюджет ташкилотларида жорий таъмирлаш учун ажратилган харожаатлар	Бошқа асосий воситаларни муқаммал таъмирлаш харожаатлари	Бошқа товар ва хизматларни сотиб олиш харожаатлари	Асосий воситаларни сотиб олиш харожаатлари
1	Туман хокимлиги	60 223,0	55 752,0	862,0	0,0			3 609,0	0,0
2	Туман Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази	24 107,0	21 887,0	2 220,0	0,0			0,0	0,0
3	Туман Пенсия жамғармаси бўлими	19 444,0	13 071,0	6 103,0	0,0			270,0	0,0
4	Туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	16 931,0	13 854,0	2 890,0	0,0			187,0	0,0
5	Туман ҳайвон касалликлари ташхиси ва озик-овқат ҳавфсизлиги давлат маркази	4 278,0	3 336,0	942,0	0,0			0,0	0,0
6	Туман Ирригация бўлими	9 695,0	0,0	7 665,0	0,0			900,0	1 130,0
7	Туман Молия бўлими	1 410,0	950,0	95,0	0,0			365,0	0,0
8	Туман Кишлоқ хўжалиги бўлими	13 200,0	10 781,0	2 419,0	0,0			0,0	0,0
9	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	140 974,0	128 628,0	12 346,0	0,0			0,0	0,0
10	Туман Маданият бўлими	4 337,0	4 337,0	0,0	0,0			0,0	0,0
11	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 601,0	1 601,0	0,0	0,0			0,0	0,0
12	Туман Мактабгача таълим бўлими	681 443,0	0,0	0,0	681 443,0			0,0	0,0
13	Туман Халқ таълими бўлими	27 028,0	27 028,0	0,0	0,0			0,0	0,0
14	Туман 11-сонли болалар мусика ва санат мактаби	115 987,0	115 987,0	0,0	0,0			0,0	0,0
15	Туман 20-сонли болалар мусика ва санат мактаби	60 801,0	60 801,0	0,0	0,0			0,0	0,0
16	Туман Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими	1 170,0	0,0	525,0	0,0			645,0	0,0
	ЖАМИ	1 182 629,0	458 013,0	36 067,0	681 443,0	0,0	0,0	5 976,0	1 130,0



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SURXONDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
QUMQO'RG'ON TUMAN ADLIYA BO'LIMI

190900 Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi, 2-uy
Tel.: (998 76) 465-25-64, el. pochta: qumqurgon_adliya@exat.uz qumqurgon-t@adliya.uz

2020 йил 02 ноябр

9/2-5/83 -сон

Қумқўрғон туман ҳокими
Р.Гаппаровга

Сизнинг 2020 йил 29 октябрдаги
266/01-37-сонли хатингизга

Қумқўрғон туман адлия бўлими, туман ҳокимининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган ҳаражатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси, конун ҳужжатлари ва конунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.


Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, расмий нашрда эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябр)га мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозим.

Илова: хулоса ва қарор лойиҳаси ___ варақда

Адлия бўлими бошлиғи

Р.Султанов

Ижрочи: С.Менгликулов
тел: 76-46-52-488



“ТАСДИҚЛАЙМАН”



**Кумкўрғон туман адлия бўлимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича**

ХУЛОСАСИ

2020 йил 02 ноябр

Кумкўрғон тумани

Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан Кумкўрғон туман ҳокимининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетидан макбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда куйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Мазкур Қонуннинг 8-моддасида бир ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида:

10 фоиздан кам миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Қарор лойиҳаси Кумкўрғон туман Молия бўлими ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қарор лойиҳаси regulation.gov.uz сайтида Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамасига кўйилган.

Қарор лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига тўлиқ мос равишда тайёрланган.

Юқоридагиларга биноан, туман ҳокимининг норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Қумқўрғон туман ҳокимининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

**Туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси**



С.Менгликулов